

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРҲОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
ҚОРҲОНАСИ**

ХУРСАНОВ АБДУЛЛА ХАЛМУРАДОВИЧ

**ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ КОМПОЗИЦИОН КИМЁВИЙ
ФЛОТОРЕАГЕНТЛАР ВА УЛАРНИ МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИДАГИ
ФЛОТАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси
ва технологияси**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва қимматбаҳо металлар
металлургияси. Радиоактив, камёб ва нодир элементлар технологияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хурсанов Абдулла Халмурадович

Импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар ва уларни металлургия саноатидаги флотация жараёнида қўллаш.....3

Хурсанов Абдулла Халмурадович

Импортозамещающие композиционные химические флотореагенты и их применение в процессе флотации в металлургической промышленности21

Khursanov Abdulla Khalmuradovich

Import-substituting composite chemical flotation reagents and their use in the process of flotation in the metallurgical industry40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т.1778 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва таракқиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Негматов Сайибжан Садикович
техника фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА академиги

Негматова Комила Сойибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рискулов Алимжон Аҳмаджонович
техника фанлари доктори, профессор

Амонов Мухтор Раҳматович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва таракқиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 10» февраль 2021 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва таракқиёт» ДУК, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва таракқиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида (рўйхатга олинган №4-21) танишиб чиқиш мумкин. (Манзил: Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати « 29 » январь 2021 йилда юборилди.
(2021 йил 7 январдаги №4-21 рақамли реестр баённомаси)

А.В. Умаров
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

М.Э. Икратова
Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш котиби, к.ф.н.

Н.Х. Галипов
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.н., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё миқёсида металлургия саноатида тоғ-кон металлургия комплексининг асосий, энг муҳим муаммолардан бири, бу рангли металл рудалари захираларининг асосий минераллар миқдори жиҳатидан сезиларли даражада камайиши, бу эса камбағал, бойитиш қийин бўлган, оловга чидамли рудаларни қайта ишлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада минерал хомашёни бойитиш босқичлари, бойитишнинг янги усуллари ва схемалари, уларни комплекс равишда ажратиб олиш мақсадида янги, юқори самарали флотореагентларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда рудалардан рангли ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олишда флотореагент-кўпиклантирувчи моддалардан фойдаланилмоқда. Бугунги кунга қадар мис-молибден рудаларини флотация қилиш жараёнида органоминерал ингредиентларнинг табиати, тури, таркиби ва нисбатларига, шунингдек, рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотация жараёнининг технологик омилларига боғлиқлиги илмий асосланган бўлиб, мис-молибден рудаларини флотация қилиш жараёнида маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун импорт ўрнини босувчи арзон нархдаги кимёвий флотореагент-кўпик ҳосил қилувчиларнинг самарали таркибини ишлаб чиқиш ва уларни металлургия саноатидаги флотация жараёнида қўллаш муаммоси долзарб вазифалардан биридир.

Республикада рангли металлургия асосан Ангрэн-Олмалик тоғ-кон саноати зонасида ва давлат корхоналари ҳисобланган «Олмалик КМК» АЖ, «Навоий КМК» АЖ давлат корхоналарида мужассамланган бўлиб, рангли ва қимматбаҳо металлларни флотация усулида ажратиб олишда флотореагентлардан фойдаланиланилиб, маълум бир натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурининг тўртинчи йўналишида «... илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига асосланган юқори самарали импорт ўрнини босувчи, арзон нархдаги флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПФ-2698 – сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси», 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891- сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босишга қаратилган тармоқларни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш» Фармони ва қарорлари ҳамда мазкур фармонга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан - технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишига VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотацион бойитиш учун флотреагент-кўпиклантирувчи моддалар олиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, қуйидаги олимлар томонидан амалга оширилди: И.Н. Плаксин, В.И. Классен, В.А. Мокроусов, К.Ф. Белоглазов, С.И. Митрофанов, О.С. Богданов, О.Н. Тихонов, А.Д. Погорелий, В.А. Чантурия, В.А. Бочаров, А.А. Григорев, В.И. Рябой, А.А. Абрамов, Н.И. Духанин, М.М. Сорокин, Т.И. Юшина, Б.А. Степанов, Ж. Баа-тархуу, Н.В. Матвеев, В.А. Глембоцкий, С.С. Негматов, Х.Т. Шарипов, Х.И. Акбаров, З.А. Тожиходжаев ва бошқалар.

Мазкур ишлар таҳлиliga кўра, шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни яратиш масалалари тубдан ҳал этишни талаб қилади. Ушбу диссертация ишида ушбу муаммони ҳал қилишга доир масалалар кенг ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий- тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси ва «КОМПОЗИТ NANOTECHNOLOGIYASI» МЧЖ билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари режаларининг: А-БВ-2019-3 «Олмалиқ КМК» АЖ ишлаб чиқариш шароитида рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотация қилиш жараёнида қўллаш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2022 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар ва уларни металлургия саноатидаги флотация жараёнида қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида органоминерал ингредиентларнинг ва мавжуд бўлган флотореагентлар - кўпиклантирувчи моддаларнинг тузилиши ва кимёвий таркибини ўрганиш ва композицион

кимёвий флотореагентлар - кўпиклантирувчи моддаларни ишлаб чиқариш учун уларнинг турини танлаш ва асослаш;

танланган органоминарал ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссалари ва ўзаро таъсир механизмларини ўрганиш ва композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг самарали таркибини яратиш;

яратилаётган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг флотацион қобилиятларини ўрганиш ва уларнинг оптимал таркибини яратиш;

рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилишда қўллаш учун яратилган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

«Олмалиқ КМК» АЖ шароитида рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнида яратилган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни лаборатория-ишлаб чиқариш ва тажриба-ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш;

рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилишда қўллаш учун керакли меёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида глицерин, этиленгликоль, ИАФ, сирт фаол моддалар, карбамид, олеин кислотаси, алкил бензол, лаурил сульфат, И-20А, «Олмалиқ КМК» АЖ рудаси, кальций оксиди, ишқор, кастор ёғи, спирт ва ёғ-мой заводларининг чиқиндилари танланди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб органоминарал ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва уларнинг тури, таркиби ва нисбатларининг олинаётган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларнинг хоссаларига ва флотацион қобилиятига таъсирини ўрганиш, ҳамда «Олмалиқ КМК» АЖ шароитида флотация жараёнида рангли ва қимматбаҳо металл рудаларининг эритмаларидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш жараёнининг қонуниятларини ишлаб чиқарилаётган композицион флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларнинг таркибига боғлиқ ҳолда ўрганиш, ажратиб олинган мис концентрати миқдорини оширадиган оптимал таркибларини ишлаб чиқиш ва рангли ва қимматбаҳо металл рудаларининг флотация жараёнида қўллаш имкониятларига боғлиқлигини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда ИҚ-спектроскопия, рентген фаза анализи ҳамда стандарт усулларини қўллаб ўрганилган. Олинган тажрибавий маълумотларни статистик қайта ишлашда математик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида ишлаб чиқарилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгариш қонуниятлари органоминарал

ингредиентларнинг табиати, тури, таркиби ва нисбатларига, шунингдек, рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотация жараёнининг технологик омилларига боғлиқлиги илмий асосланган;

аниқланган қонуниятлар асосида мис-молибден рудаларини флотация қилиш жараёнида қўллаш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларининг органоминерал ингредиентлари асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг самарали таркиби ишлаб чиқилган;

юқорида келтирилган флотореагентларни (Т-66, Т-80, Т-92 ва Т-94) алмаштириш имконияти мумкин бўлган, мавжудлиги, арзонлиги ва самарадорлиги билан ажралиб турадиган, мис-молибденли рудаларини флотация жараёнида, ишлаб чиқилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилишда қўллаш учун яратилган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситаларни олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биринчи марта маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан сувли, сув-спиртли, мой-спиртли шароитларда ишлайдиган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг бир қатор таркиблари ишлаб чиқилган;

яратилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар флотация жараёнида рудалардан рангли ва қимматбаҳо металлларни самарали ажратиш олиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган физик-кимёвий (ИК - спектроскопияси, рентген фаза таҳлили ва кимёвий таҳлил), шунингдек флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар ва композициялар таркибий қисмларининг тузилиши ва технологик хусусиятлари тадқиқот усуллари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти композициянинг асосий таркибий қисмларини танлаш бўйича илмий принциплар ишлаб чиқилганлиги ва тавсия этилган ҳамда мис-молибден рудаларини флотация қилиш жараёнида мис концентратларини самарали ажратиш олишда ишлатиладиган импорт ўрнини босувчи композицион флотореагент-кўпиклантирувчиларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқилганлиги ҳамда металлургия саноатининг рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнининг механизмини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рудаларни флотация қилиш жараёнида яратилган композицион кимёвий флотацион реагентлар - кўпиклантирувчи воситаларни қўллашдан иборат бўлиб, бу рудалардан

рангли ва қимматбаҳо металлларни самарали равишда ажратиб олишга хизмат килади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар ва уларни металлургия саноатидаги флотация жараёнида қўллаш бўйича илмий натижалар асосида:

қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш қобилияти юқори бўлган, арзон, импорт ўрнини босадиган самарали композицион кимёвий флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи воситалар «Олмалиқ КМК» АЖнинг мисни бойитиш фабрикасида амалиётга жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 12 январдаги АУ-000289 – сон маълумотномаси). Натижада, рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотация қилиш жараёнида мис металини миқдорини 91,35% гача ажратиб олиш имконини берган;

ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситалар «Олмалиқ КМК» АЖ шароитида мис-молибденли рудаларни флотация қилиш жараёнида амалиётга жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 12 январдаги АУ-000289 – сон маълумотномаси). Натижада, яратилган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи воситалар «Олмалиқ КМК» АЖ га импортни қисқартириш, валюта маблағларини тежаш каби иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган;

аффинирланган палладийни кукун холида олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти (№ IAP 20190183, 2019 й.) олинган. Натижада, кукунсимон аффинирланган палладийни кимё саноатида микроэлектроника соҳасида катализатор сифатида қўллаш имконини берган;

юқори тозаликдаги молибден тузларини молибденнинг кондинциаланмаган куйдирилмаган молибденнинг ярим махсулотидан олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти (№ IAP 20200144, 2020 й.) олинган. Натижада, нефт газ саноатида дизель дистиллятларини тозалашда такибида молибден сақлаган катализатор сифатида қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 республика илмий-техник ва 3 халқаро конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та иш эълон қилинган. Шулардан 13 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Докторлик диссертациясининг асосий илмий натижалари бўйича 3 та Ўзбекистон Республикасининг патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқотни натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Металлургия корхоналарида рудаларни флотация қилиш жараёнида фойдаланилган флотореагентлар – кўпиклантирувчи моддаларнинг ҳозирги ҳолати ва тахлили»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларни чуқур таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Турли хил флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг классификацияси, олиш усуллари ва физик-кимёвий хоссаларининг назарий ва амалий афзалликлари таҳлил қилинган, рангли ва қимматбаҳо металл рудаларидан флотация жараёнида қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишда мавжуд флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг хоссалари ўрганилган ҳамда рангли ва қимматбаҳо металл рудаларининг флотация жараёнида қўллаш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг ҳолати ва қўлланилиши бўйича замонавий адабиёт манбаалари натижаларининг тахлили келтирилган.


Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, рудалардан рангли ва қимматбаҳо металлларни самарали ажратиб оладиган, арзон, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчиларнинг самарали таркиби амалда деярли мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларини компонентларнинг тури, миқдори, нисбатлари ва технологик омилларга боғлиқ ҳолда комплекс тадқиқотларини ўтказишнинг мураккаблиги ҳамда вазифаларни ҳал қилишда илмий-услубий тамойиллар ва амалий ёндашувларнинг йуклиги, ушбу диссертация ишининг мақсадини белгилаб беришда алоҳида ўрин тутди.

Диссертациянинг **«Флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг хоссаларини ўрганиш усуллари ва объектини танлаш ва асослаш»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни ўтказиш учун объектларни танлаш, шунингдек, экспериментал-тажрибалар тадқиқотини ўтказиш усуллар шакллантирилган ва асосланган. Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш ва олиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида органоминерал ингредиентларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, реагентлар ва самарали композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан танлаб олинган органоминерал ингредиентларнинг тузилиши ва таркиби бўйича тажриба тадқиқот натижалари ва яратилган янги композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари келтирилган, ҳамда рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнида кўпикнинг ҳосил бўлиши ва ҳосил бўлган кўпикнинг барқарорлиги механизмлари ўрганилган. Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни ишлаб чиқиш учун карбамид, алкил бензол, лаурет сульфат, этиленгликоль, глицерин, инъекцион-адгезион фракция – ИАФ, госсипол смоласи ва мавжуд флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни, турли хил саноат чиқиндиларини, органоминерал ингредиентларнинг кимёвий таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Танлаб олинган ингредиентларнинг кимёвий таркиби ва тузилиши, ҳамда энг муҳим хусусиятларини тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ушбу ингредиентларнинг кўпчилиги қутбли боғланишга эга бўлиб, қутбли эритувчиларда яхши эрийди ва кўпик ҳосил қилиш қобилиятига эга, белгиланган талабларга жавоб беради, ҳамда рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнида қўллаш учун сув-спирт асосидаги композицион кимёвий флотореагент-вспенивателларни яратишда қўллаш мумкин. Шу сабабли, органоминерал ингредиентларнинг миқдори, тури ва табиатини флотация қилинаётган металлларга таъсирлашиш қобилияти ва ажратиб олиш даражасига таъсирини эътиборга олган ҳолда, кейинги тадқиқотларимиз учун бир қатор дастлабки таркиблар тайёрланилди, уларнинг таркиби куйидагича: 1-таркиб: КПГС + глицерин +ПАВ (сульфанол) + сув; (10:50:2:38), 2- таркиб: КПГС + глицерин +ПАВ (сульфанол) + H_2SO_4 (pH=7)+сув; (10:50:2:1:37) 3- таркиб: КССБ + глицерин + ПАВ (сульфанол) + сув; (10:50:2:38), 4- таркиб: Глицерин + ПАВ (сульфанол) + КПГС + фенол (pH=7)+сув; (50:2:10:1:37).

Бундан ташқари, олинган композицион флотореагентлар қўшилаётган ингредиентларнинг ва эритувчиларнинг нисбатига қараб ўзгаради:

5- таркиб: глицерин+ КССБ + спиртли чиқинди (ИАФ); (50:10:40), 6- таркиб: глицерин+ КПГС + спиртли чиқинди (ИАФ); (50:10:40), 7- таркиб: №6 эритма+1гр фенол pH-7, 8- таркиб: №5 (50мл)+ №6 (50мл)+ 1гр фенол pH-7. 1 – расмда синтез қилинган флотореагент-кўпиклантирувчиларнинг кўпик ҳосил қилиш қобилияти ва ҳосил бўлган кўпикларнинг барқарорлиги бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.




1-таркиб, 2- таркиб, 3- таркиб, 4- таркиб, 5- флотореагент Т-92

1-расм. Сув асосидаги флотореагент-кўпиклантирувчиларнинг ҳосил қилган кўпикларининг барқарорлик кинетикаси

Флотация жараёнида флотореагент кўшилгандан сўнг, коалесценция жараёни кескин секинлашиб содир бўлади, чунки суюқлик-газ чегаралари сирт юзасида адсорбция натижасида флотореагент-вспениватель молекулаларнинг йўналтирилган қатламини ҳосил қилади, унинг қутбли томонлари сув диполлари билан гидратланади. Ушбу гидратланган қатлам қобикларнинг механик барқарорлигини оширади ва тўқнашганда уларнинг бир-бири билан ёпишиб кетишини олдини олади, бу эса пулпада майда кўпикчаларнинг сақланишига имкон беради. Шарсимон шаклга яқин бўлган, етарли даражада қаттиқ гидратли қобикга ўралган ҳаво кўпикчалари кўтарилиш пайтида кам деформацияланади ва шунинг учун уларнинг кўтарилиш тезлиги бир хил ўлчамдаги кўпикчаларнинг тоза сув кўпикчаларининг кўтарилиш тезлигидан анча паст бўлади. Кўпик ҳосил қилувчи моддалар таъсирида ҳаво кўпикчаларининг кўтарилиш тезлигининг пасайиши пулпадаги ҳаво миқдорини оширади ва шу билан уларнинг минерал зарралар билан тўқнашувлари сонини кўпайтиради. Минерал зарранинг ҳаво кўпикчасида мустаҳкам жойлашиш қобилияти унинг сирт юзасининг физик-кимёвий хусусиятларига ва гидродинамик режимига боғлиқ. Экспериментал маълумотлардан кўришиб турибдики (2-расм), спиртли чиқиндилар асосида олинган композицион флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар 0,3-1,2 см ўлчамли кўпик ҳосил қилади ва улар сувли асосдаги флотореагентларга қараганда анча барқарор. Олинган натижалар флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг асосий вазифаси пулпа ичидаги ҳаво пуфакчаларининг тарқалишини ва барқарорлигини ошириш, ҳамда флотацияланадиган минералнинг тўйинган зарралари билан кўпикнинг барқарорлигини оширишини кўрсатади. Тадқиқотлар пуфакчаларнинг катталиги ва барқарорлиги мос равишда 0,6-1,2 см ва 15 минут оралиғида бўлиши кераклигини кўрсатди.

Шундай қилиб, флотация пайтида кўпик ҳосил бўлишининг роли шундан иборатки, флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар флотация жараёни талабларига жавоб берган ҳолда, рангли ва қимматбаҳо металлларнинг зарраларини концентратга юқори даражада ажралишини

таъминлаши керак. Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида шартли равишда КХФ-ВС деб номланган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг таркиби ишлаб чиқилди ва унинг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди. 3-жадвалда композиция компонентларининг ишлаб чиқилган таркиби келтирилган.



1-5 таркиб, 2- 6 таркиб, 3- 7 таркиб, 4- 8 таркиб, 5- флотореагент Т-92
 2-расм. Сув-спирт асосидаги флотореагент-кўпиклантирувчиларнинг ҳосил қилган кўпикларининг барқарорлик кинетики

3-жадвал

Яратилган КХФ-ВС композицион флотореагент- кўпиклантирувчи моддаларнинг таркиби

Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддалар таркибининг номлари	Микдори, %
Госсипол қатрони	5
ИАФ (инжекцион – адгезион фракция)	15
Глицерин	30
Этиленгликоль	5
Лаурет сульфат	5
И-20А (веретен мойи)	5
Алкил бензол	10
Карбамид	25

3-жадвалдан кўришиб турибдики, олинган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг асосий таркибига глицерин, карбамид, инъекцион-адгезион фракция - ИАФ ва алкил бензол, шунингдек кам фоизли госсипол қатрони, этиленгликол, лаурет сульфат ва И-20А веретен мойи киради. Шунингдек таъкидлаш керакки, композицион флотореагентлар-кўпиклантирувчи модда таркибининг фоиз нисбатлари органоминерал ингредиентларнинг физик-кимёвий хусусиятларига, флотация қилинувчи рудаларнинг табиати ва турига боғлиқ. Олинган маълумотлар органоминерал ингредиентларнинг кўриб чиқилган нисбати кўпик ҳосил бўлишига ва уларнинг металл зарралари билан ўзаро таъсирлашишига имкон беради ва флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни яратиш учун қўллаш мумкинлигини кўрсатади. 4-жадвалда олинган композицион кимёвий

флотореагент-кўпиклантирувчи модданинг физик-кимёвий хусусиятлари келтирилган.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, маъданларни флотацион бойитишда ишлатиладиган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модда КХФ-ВС, ўзининг физик-кимёвий хусусиятларига кўра, кўпикларни яратишда кўйиладиган талабларга жавоб беради ва Т-92 каби импорт қилинадиган флотореагентлардан қолишмайди. Шунинг учун биз ишлаб чиқарган флотореагент «Олмалик КМК» АЖ шароитида рангли ва қимматбаҳо металллар рудаларини флотацион бойитиш жараёнида бизнинг иштирокимиз билан лаборатория- ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш учун мис бойитиш фабрикаси янги технологиялар марказий лабораториясига берилди.

4- жадвал

Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модданинг КХФ-ВС ва Т-92нинг физик-кимёвий хусусиятлари

Кўрсаткич	Композицион кимёвий КХФ-ВС флотореагент-кўпиклантирувчи модда	Т-92
Диметилдиоксаннинг масса улуши, %,	-	0,2
Эфир сони, мг КОН/г.	30-40	0,5-4,0
Очиқ тиглдаги чакнаш ҳарорати, °С, дан паст	150-155	130
Қотиш ҳарорати, °С, дан паст	Минус 30-35	Минус 30
20°С ҳароратдаги зичлик, г/см ³	1,04-1,12	1,00-1,12
Қовушқоқлик, с	67	84

КХФ-ВС типигадаги ишлаб чиқарилган флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларининг флотацион қобилиятини аниқлаш бўйича лаборатория-ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш учун «Колмоқир» конининг мис-молибден рудасининг намунасининг кимёвий таркиби ва фазавий таҳлили 5 ва 6-жадвалларда келтирилган.

5- жадвал

Руданинг кимёвий таркиби

Намунанинг номи	Cu	Al ₂ O ₃	MgO	CaO	SiO ₂	Сум.	Fe	Mo	Au	Ag
Руда 2019 й.	0,44	12,33	2,58	3,5	56,73	1,92	5,65	0,0068	0,84	3,16

6 -жадвал

Руданинг фазовий таркиби

Фаза таркибий қисмларининг миқдори				Фракциялар йиғиндисига Cu миқдори, %	Сульфидлик, %
Оксидланган минераллар		Сульфидланган минераллар			
Эркин	Боғланган	Бирламчи	Иккиламчи		
0,01	0,01	0,01	0,39	0,42	95,2

5-жадвалдан кўриниб турибдики, руда таркибида бойитилиши зарур бўлган оз миқдордаги рангли ва қимматбаҳо металллар мавжуд. Бундан ташқари, сув-спирт асосида яратилган флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг энг самарали таркиби флотацион қобиляти бўйича юқорида айтиб ўтилган мис-молибденли рудасидан фойдаланилган ҳолда ўрганилди. Флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг барча намуналари Т-92 га нисбатан ўзига хос ҳидга эга бўлган тўқ жигарранг суоқликлардир. Ушбу экспериментал намуналарда тажрибалар концентрат олиш учун очиқ циклда ўтказилди. Флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг экспериментал намуналари ёрдамида ташкил қилинган тажрибаларнинг натижалари, стандарт Т-92 билан ўтказилган тажрибалар натижалари билан таққосланди. Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

Тажрибалар натижаларига кўра, энг яхши кўрсаткичлар, №1 намунани кўллаш орқали олинган, дастлабки концентратга миснинг ажралиб чиқиши мис миқдори 6,51% бўлганда 90,93% ни ташкил этган, №2 ва №3 намуналарнинг сарфи №1 намунадан 1,8 баравар кўп. Бунда миснинг дастлабки концентратга ажралиб чиқиши мис миқдори 4,99% ва 5,37% бўлганда 86,98%, 87,04% ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддасининг №1 намунаси флотацион қобиляти жиҳатидан талабларга жавоб беради ва рангли ва қимматбаҳо металл рудалари эритмаларидан 90% гача қимматли таркибий қисмларни ажратиш олади.

Тажрибаларнинг доимий шартлари: майдалаш: 21 min. 0,071 mm миқдори 69%; в/ё-9g/t; СаО рН 10,5-11,0 г. Асосий флотация: 5 min; kst.- 17g/t; Назорат флотацияси: 7 min; kst.- 7g/t.

Ўтказилган тадқиқотларнинг комплекс таҳлили натижаларидан маълум бўлдики, кимёвий флотореагентлар - кўпиклантирувчи моддаларнинг металл зарралари билан ўзаро таъсири, асосан маъданнинг табиати ва сирт юзасига, ҳамда композицион флотореагент- кўпиклантирувчи моддаларни ташкил этувчи органоминарал ингредиентларнинг физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ (7-жадвал).

Мисни ажратиш олиш учун рангли металлларнинг сульфидли рудаларини (масалан, мис-молибден рудаси) флотация қилиш жараёнида флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг ўзаро таъсир механизмини кўйидагича ифодалаш мумкин: рангли ва қимматбаҳо металлларнинг сульфидли рудаларини муваффақиятли флотацияси учун уларнинг сирт юзаси сульфидрил йиғувчилар (ксантогенатлар, аэрофлотлар) билан гидрофобланади. Ксантат анионларини минерал сирт юзасида кимёвий боғлаш учун сульфидли сирт юзада олтингугуртнинг оксидланиш жараёнлари бошланиши керак.

Бу жараёнларнинг барчаси флотореагент-кўпиклантирувчи воситани кўшганда ҳосил бўладиган ҳаво пуфакчалари ёрдамида содир бўлади. Бунда кўйидаги кўринишдаги алмашилиш реакцияси содир бўлади:




**Флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларнинг сарфига кўра
очик циклда ўтказилган тажрибалар натижалари**

Маҳсулотнинг номи	Унум, %	Таркиб, %	Ажратиб олиш, %	Изоҳ
		Сu	Сu	
Асосий концентрат	4,41	8,0	84,91	Тажриба намунаси №1 30 g/t
Назорат концентрат	1,39	1,8	6,02	
Дастлабки концентрат	5,8	6,51	90,93	
Қолдиқ чиқинди	94,2	0,04	9,07	
Дастлабки руда	100	0,42	100	
Асосий концентрат	5,64	6,1	80,68	Тажриба намунаси №2 56 g/t
Назорат концентрат	1,79	1,5	6,3	
Дастлабки концентрат	7,43	4,99	86,98	
Қолдиқ чиқинди	92,57	0,06	13,02	
Дастлабки руда	100	0,43	100	
Асосий концентрат	5,94	5,9	81,37	Тажриба намунаси №3 56 g/t
Назорат концентрат	1,04	2,35	5,67	
Дастлабки концентрат	6,98	5,37	87,04	
Қолдиқ чиқинди	93,02	0,06	12,96	
Дастлабки руда	100	0,43	100	

Ксантат анионлари кимёвий равишда металл ионлари билан боғланиб, минералнинг кристалл панжарасига киради. Йиғувчи ва вспенивательнинг бирикиб мустаҳкамланиши мозаика характериға эға. У флотацион реагент-кўпиклантирувчи восита ёрдамида минералларнинг энергетик жиҳатдан бир хил бўлмаган сирт юзасининг энг фаол жойларида бирикади. Кўпиклантирувчи восита билан ишлов берилгандан сўнг сульфидлар сирт юзасида гидрофоб эримайдиган бирикмалар ҳосил бўлади. Флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддалар, кўпиклар ва зарралар сирт юзасининг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир кўрсатадиган асосий воситадир. Флотация пайтида қимматбаҳо таркибий қисмларнинг ажралиб чиқиш унуми сувли муҳитдаги кўпикнинг ўлчамига ва барқарорлигига боғлиқ.

Диссертациянинг «Маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида олинган композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида илмий-услубий ва технологик принципларни ва технологик линияни ишлаб чиқиш, шунингдек рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш жараёнида фойдаланиш учун яратилган кимёвий флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддалар учун стандартлар (техник шарт) ва технологик регламентни ишлаб чиқиш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган. Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотацион реагентлар-кўпиклантирувчи моддалар олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, рангли ва қимматбаҳо металл рудаларини флотация қилиш учун кимёвий флотацион реагентлар-

кўпиклантирувчи моддалар олиш технологияси композицияларини ишлаб чиқишнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Органоминерал маҳаллий хомашё ресурслари ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддалар ишлаб чиқаришнинг самарали технологияси ишлаб чиқилди (3-расм). Ишлаб чиқилган илмий ва услубий принциплар - маҳаллий ва иккиламчи хомашёдан органоминерал ингредиентлар асосида композицион кимёвий флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни олиш технологияси босқичлари қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: хомашё тайёрлаш; саноат чиқиндиларини тайёрлаш; модификацияланган госсипол қатронини глицерин билан аралаштириш; алкил бензол, этиленгликол, лаурет сульфат ва веретен мойи билан аралаштириш; дастлаб олинган композицияни ИАФ билан аралаштириш; тайёр маҳсулотлар; тайёр маҳсулотларни ташиш.



1-реактор; 2 – глицерин учун сигим; 3 – КПГС учун сигим; 4 - ИАФ учун сигим; 5 - ПАВ учун сигим; 5' - этиленгликоль учун сигим; 5'' - И-20А учун сигим; 5''' - карбамид учун сигим; 6 – АГВ; 7 – маҳсулотни ташиш учун автомобиль; 8 – тайёр маҳсулот учун цистерна; 9 – олинган маҳсулотни қадоқлаш учун сигим; 10 – вентиллар, кранлар; 11 - дозатор; 12 – компонентларни узатиш учун насос; 13, 18, 19 - махсус иланг; 14 - реактор; 15 – хомашё ресурслари учун омбор; 16 – тайёр маҳсулот учун омбор; 20 - температурани бошқарувчи электр регулятор ; 21 – сувни совутиш учун қурилма

3-расм. Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддалар ишлаб чиқаришнинг технологик линияси ва КХФ – ВС тайёр маҳсулотнинг намунаси

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан органоминерал ингредиентлар асосида композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг ишлаб чиқилган таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари» деб номланган бешинчи бобида маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида ишлаб чиқилган композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни амалий ва иқтисодий

жиҳатлари кўриб чиқилди. Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида тажриба-ишлаб чиқариш шароитида олинган КХФ-ВС типидagi композицион кимёвий флотацион реагентларнинг физик-кимёвий хусусиятлари 8-жадвалда келтирилган.

«Фан ва тараккиет» ДУК ва «KOMPOZIT NANOTEKHOLOGIYASI» МЧЖ ходимлари иштирокида ишлаб чиқилган флотореагент-кўпиклантирувчи восита «Олмалиқ КМК» АЖ мисни бойитиш фабрикаси янги технологиялар марказий лабораториясида ва ишлаб чиқариш шароитида Т-92 реактивига алтернатив сифатида тажриба синовларидан ўтказилди ва ижобий натижалар олинди. Лаборатория синовларидан олинган натижаларини тасдиқлаш учун флотореагент-кўпиклантирувчи воситани кўллаб, унинг сарфи бўйича: (30, 40, 56 г/т) тажрибалар ўтказилди. Шунга ўхшаш сарфларга эга бўлган, стандарт Т-92 флотореагенти билан ҳам таққослаш учун тажрибалар амалга оширилди.

8- жадвал

КХФ-ВС типидagi композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларнинг физик кимёвий хоссалари

Кўрсаткичлар	Флотореагентлар
Кўрсаткичларнинг номланиши	Композицион кимёвий флотореагент-кўпиклантирувчи модда
Диметилдиоксаннинг масса улуши, %,	-
Эфир сони, мг КОН/г.	30-40
Очиқ тиглдаги чакнаш ҳарорати, °С, дан паст	150-155
Қотиш ҳарорати, °С, дан паст	Минус 30-35
20°С ҳароратдаги зичлик, г/см ³	1,04-1,12
Қовушқоқлик, с	67

Флотореагент - кўпиклантирувчи моддаларнинг олинган натижалари 9-жадвалда келтирилган. Тажрибаларнинг доимий шартлари: майдалаш: 21 min. 0,071 mm микдори 69%; в/ё-9g/t; CaO pH 10,5-11,0 г. Асосий флотация: 5 min; kst.-17g/t; Назорат флотацияси: 7 min; kst.- 7g/t.

Ишлаб чиқариш синов тадқиқотлари учун «Колмоқир» конининг мис-молибден рудаси намунаси ишлатилган. КХФ-ВС типидagi флотореагент-кўпиклантирувчи моддаси намунасини синовдан ўтказиш очиқ циклда дастлабки концентратни олиш учун ўтказилди. Флотореагент-кўпиклантирувчи модданинг экспериментал намунаси тажрибаларининг натижалари стандарт Т-92 намунаси билан ўтказилган тажриба билан таққосланди. Синалаётган реагентлар табиий ҳолда ўтказилди.

